

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

BV2403144556

1. **Loyihaning turi** : Shartnoma
2. **Loyihaning nomi**: **Urtovul smeta**
3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot**: XATIRCHI TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 14.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xatirchi tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



SH.A.ISMATOV

14.12.2022

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 29/11-02

Хатирчи тумани

09 декабр 2022 йил

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Хатирчи туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан низоом асосида иш кўрувчи Ж.Рахмонов бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган Хатирчи Самойуллойиха МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи Н.Норматов иккинчи томондан Хатирчи тумани Зарбдор МФЙ Ўртавул, Дурмон, Юзавулқишлоқлари ички йўлларини жорий таъмирлаш учун смета лойиҳа хужжатларини тайёрлаб бериш кўйидаги шартномани туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Пудратчи бажариладиган ишлар бўйича смета лойиҳа хужжатларини тайёрлаб беради. Бунинг учун нуқсонлар далолатномасига асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва кондаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилган ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Хатирчи тумани Зарбдор МФЙ Ўртавул, Дурмон, Юзавулқишлоқлари ички йўлларини жорий таъмирлаш учун смета лойиҳа хужжатларини тайёрлаб бериш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "22" ноябрдаги 190059-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 29 800 000 (йигирма тўққиз миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда қўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно); объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Лойиҳани тайёрлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ ишни бажариш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорликни таъминлаш ва сақлаш;

Ишни бажариш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили туғрисида хабардор қилиш;

Ишни бажариш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда лойиха смета хужжатларини фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкний жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш,

Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 5 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказиши, бу 8940000 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектка мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Агарда маълумотили конструкциялар ва берилмайдиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бажарилишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачининг ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабарлар қилади.

27. Агар берилмайдиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ берилмайдиган ишларнинг исталган қисmini ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурлар.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилишининг аниқлansa, у ҳолда Пудратчи ўз қўчлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмаздан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишининг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шунинг жумладан йўл участкалари ва йўлакларни сўгуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар туталлангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтларини юритади. Дафтларда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни туталлашининг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатида ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтларда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Манжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тузатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан орттиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:
ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектуручилиш назорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдоридан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ИҚТИСОДИЙ суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги қонуналарга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришига ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб Ҳазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтгандан сунг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача ҳисобланади.

XV. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МОДДАСИ

58. Томонлар буни эълон қиладилар: - Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари, уларни бажариш чоғида ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар, бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/камчиликларни содир етмайди коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларидан ва ёки бузуқ табиатга ега, шу жумладан пора бериш ёки ваъда қилиш, пора бериш (лекин чекланмаган), пора олиш учун товламачилик, тўғридан-тўғри ёки билвосита розилик.

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (алоқадор) шахслари ва ходимлари рағбатлантиришдан бош тортадилар ходимлар ёки бирон-бир тарзда бошқа партия ваколатли вакиллари, шу жумладан пул суммалари, совғалар билан таъминлаш, уларга беғараз хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу ходим ёки ваколатли вакилнинг рағбатлантирувчи томони манфаати учун ҳар қандай ҳаракат камчиликларни амалга оширишини таъминлашга қаратилган.

59. Бир партия бузилиши деб гумон бўлса 58-банднинг қоидалари. бу шартнома содир бўлди ёки содир бўлиши мумкин, тегишли партия бу ҳақида иккинчи партия хабардор қилиш мажбуриятини олади Партия, ва қонун бузилиши рад етиб бўлмайдиган далиллар тақдирда Ўзбекистон Республикаси коррупсияга қарши курашиш соҳасида-шунингдек, тартибда ваколатли органлар амалдаги қонунчиликда белгиланган.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

*Хатирчи туман Ободонлаштириш
бошқармаси*

Самойуллойиха МЧЖ

Манзил: Навоий вилоят Навоий шаҳар
Банк: НАВОИЙ Ш., "ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНИНГ
НАВОИЙ ФИЛИАЛИ
МФО: 00199 ИНН: 205234522
P/C 2020800080/35469001

Раҳбар  Н.Норматов

Манзил: Хатирчи Туман Парохун МФЙ
Банк: Марказий Банк Тошкент ш.

МФО: 00014. ИНН: 204658969
401722860122517045204110004

Раҳбар  Ж.Раҳмонов

Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR
Code ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH.	HAMRO NURQUVVATOV OYDINOVICH
Imzolangan sana	14.12.2022 16:09
Hujjat kodi	QL5885870483
Hulosa kodi	BV2403144556

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

3. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni (davlat organi yoki tashkilotning nomi) xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;

tovlamachilik qilish;

pora sifatida pul to'lash;

bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.

4. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon (davlat organi yoki takshlotining nomi) xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni;

Telegram-kanali (“@xxxxxxxxxxx”);

(davlat organi yoki takshlotining nomi) rasmiy veb-saytida joylashtirilgan shakl yoki elektron pochta.

TOMONLAR:

OOO SAMOYO LLOYIHA
N.Normatov
(imzo)



Xatirchi tuman obodonlashtirish boshqarmasi
J.Rahmonov

(imzo)



протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 190059 на приобретение Хатирчи туман Зарбдор МФЙ Уртаву, Дурмон, Юзовул қишлоқлари ички йулларини жорий тамирлаш учун смета лойиха хужжатларини тайёрлаб бериш

Способ проведения электронный

Дата 22.11.2022

Время рассмотрения 22.11.2022 10:52

Закупочная комиссия Хатирчи тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	NURQUVVATOV HAMRO OYDINOVICH	Бош мухандис	Комиссия раиси
Секретарь комиссии	HAMRAYEV NAZAR JUMAYEVICH	хисобчи	комиссия аъзоси
Член комиссии	ERGASHEV TOXIR ERKINOVICH	Булим бошлиги	комиссия аъзоси
Член комиссии	MUMINOV YORMAMAT PIRNAZAROVICH	касаба уюшмаси раиси	комиссия аъзоси
Член комиссии	ISOQULOV ZAFAR BAXRONOVICH	Назоратчи	Комиссия аъзоси
Член комиссии	SOBIROV SAIDAHMAD VALI O'G'LI	yul nazoratchisi	kamissiya azosi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 22.11.2022 года № лота 190059.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	30 000 000.00
Стартовая сумма	30 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Тип: Текстовое значение

Описание: ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ(Молиявий натижа, баланс, Даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлов ҳисоботи, НДС,Фойда солиғи ёки айланма солиқ ҳисоботлари), ҲОДИМЛАР ЎРТАЧА СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ, СОЛИҚДАН ҚАРЗИ ЙЎҚЛИГИ ТЎҒРСИДА МАЪЛУМОТ(Солиқ органларидан тасдиқланган холда)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО. НАВОИЙУЛЛОЙИХА	20	мавжуд	18	Экспертная		
ООО SAMOYO'LLOYINA	20	мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №2 ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ КЎРИШ

Тип: Текстовое значение

Описание: ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ КЎРИШ КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА(Буюртмачи ташкилот вакили иштирокида,Расм ва чизма) ОБЪЕКТ (ЛОЙИХА)НИ БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО. НАВОИЙУЛЛОЙИХА	20	мавжуд	17	Экспертная		
ООО SAMOYO'LLOYINA	20	Мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №3 ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАР

Тип: Текстовое значение

Описание: ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ИШ ТАЖРИБАСИ (Шартнома фактура, илова қилинади)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО. НАВОИЙУЛЛОЙИХА	20	мавжуд	16	Экспертная		
ООО SAMOYO'LLOYINA	20	Мавжуд	17	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари (гувоҳнома лицензия) АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА МЕХАНИЗМЛАР РЎЙХАТИ(фактура)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО. НАВОИЙУЛЛОЙИХА	20	мавжуд	16	Экспертная		
ООО SAMOYO'LLOYINA	20	Мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №5 КАДРЛАР РЕСУРСЛАРИНИНГ ҲАМДА БОШҚА РЕСУРСЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ

Тип: Текстовое значение

Описание: КАДРЛАР РЕСУРСЛАРИНИНГ ҲАМДА БОШҚА РЕСУРСЛАРИНИНГ МАВЖУДЛИГИ(1та гип 3йил иш стаж, 1 та бош мутахассис 2 йил иш стаж, 1 та сметчик 2 йил иш стаж, 3 та мутахассис 1 йил иш стаж, 1 та етакчи мутахассис 1 иш стаж, Диплом ва меҳнат дафтари)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО. НАВОИЙЎЛЛОЙИХА	20	мавжуд	17	Экспертная		
ООО SAMOYO'LLOYIHA	20	Мавжуд	17	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО. НАВОИЙЎЛЛОЙИХА	30 000 000.00	29 950 000.00 UZS	29 950 000.00	00.00	29 950 000.00	18.11.2022 09:23:49	19.89983
ООО SAMOYO'LLOYIHA	30 000 000.00	29 800 000.00 UZS	29 800 000.00	00.00	29 800 000.00	21.11.2022 10:15:34	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО. НАВОИЙЎЛЛОЙИХА	67.2	19.89983	87.09983
ООО SAMOYO'LLOYIHA	70.4	20	90.4

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 190059 от 22.11.2022 года на приобретение Хатирчи туман Зарбдор МФЙ Уртаву, Дурмон, Юзовул қишлоқлари ички йуларини жорий тамирлаш учун смета лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб бериш определила победителем:

ООО SAMOYO'LLOYIHA
205234522

и резервный исполнитель: ООО. НАВОИЙЎЛЛОЙИХА (200003124)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NURQUVVATOV HAMRO OYDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERGASHEV TOXIR ERKINOVICH	Согласен	
Член комиссии	MUMINOV YORMAMAT PIRNAZAROVICH	Согласен	
Член комиссии	ISOQULOV ZAFAR BAXRONOVICH	Согласен	
Член комиссии	SOBIROV SAIDAHMAD VALI O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП